(1903-йил 1-ноябр, Фаргона вилояти, Маргилон тумани - 1973-йил 26-декабр, Тошкент)
(1950-1955)

Давлат ва сиёсат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор (1973).
1920-30-йилларда совет органларида ишлади. Москвадаги Саноат академиясида ўкиди (1930-34). 1940-йил Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий Кенгашининг курилиш бўлими мудири. 1940-46-йилларда республика Молия халк комиссари, 1946-47-йилларда Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўринбосари. 1947-50-йилларда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, 1950-55-йилларда Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказий кенгашининг II котиби. Ўзбекистон Коммунал хўжалик министри, Министрлар Совети Газ ва коммунал хўжалик Бош бошкармасининг бошлиги (1956-60).